

Ўзбекистон миллий метрология институты

Мамлекетлик кэрханасы Қарақалпақстан филиалы

Садиков Жаксыл ык Пердебаевич	Ўзбекистон миллий метрология институты Мамлекетлик кэрханасы Қарақалпақстан баслығы	
	Мэнзил:	230100, Нөкис қаласы, Ғарезсизлик көше жай
	Телефон:	0(361) 222-66-33
	E-mail:	Standart.rk@exat.uz, kkusm_2010@mail.ru
	Қабыллау күнлери:	Сәршемби, Жума 11:00-16:00

Қарақалпоғистон Республикаси Стандартлаштириш ва метрология бошқармаси

Функционал вазифалари:

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ("Ўзстандарт" агентлиги) стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасидаги вазифаларни ҳал қилиш учун махсус ваколат берилган Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органи ҳисобланади. "Ўзстандарт" агентлиги ўз фаолиятини амалдаги Қонунчиликка кўра бевосита ва қўйи тизим ташкилотлари орқали амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Маҳсулотлар ва хизматларнинг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирларитўғрисида" 2004 йил 3 августдаги

373-сонли қарорига асосан “Ўзстандарт” агентлигининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

"Стандартлаштириш тўғрисида", "Метрология тўғрисида", "Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари амалда рўёбга чиқарилишини таъминлаш;

стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш, халқаро стандартларни, шу жумладан сифатни бошқариш тизими бўйича халқаро стандартларни қўллаш асосида маҳсулотлар сифатини ва уларнинг рақобатбардошлилигини ошириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

стандартлаштириш, ўлчовлар ягоналиги, сертификатлаштириш тизимлари фаолият кўрсатишини ва ривожлантирилишини, ушбу соҳалардаги илмий-техника ахборотини аккредитация қилиш ва тарқатишни, шунингдек уларнинг халқаро, давлатлараро тизимлар ва хорижий мамлакатларнинг миллий тизимлари билан уйғунлаштирилишини таъминлаш;

маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлиги ва сифати, ўлчовлар ишончсиз натижаларининг салбий оқибатларидан муҳофаза қилиш талабларига риоя этилиши юзасидан истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш;

стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишишларини ташкил этиш.

